


**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Экология ва атроф-муҳитни**  
**муҳофаза қилиш давлат**  
**кўмитаси раисининг биринчи**  
**ўринбосари,**  
**Харид комиссияси раиси**



 У.Халилов  
\_\_\_\_\_ 2022 й

**Лойиҳанинг тавсифи**

**Лойиҳанинг номи:**

“Зарафшон” миллий табиат боғи учун ажратилган ер майдонларининг контурларига (периметри) тегишли географик координаталарини аниқлаш ҳамда уларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш асосида, географик ахборот тизимида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрига тегишли маълумотлар базасини яратиш.

**Мақсади:**

Лойиҳанинг асосий мақсади-Давлат кадастрлари ягона тизимининг талабларига мувофиқ, “Зарафшон” миллий табиат боғининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг чегараларини рақамлаштириш “Зарафшон” миллий табиат боғининг кўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналари учун ажратиладиган ер майдонлари зонасини белгилаш.

**Вазифалар ва режалаштирилган чора-тадбирлар**

**Вазифалар:**

1. “Зарафшон” миллий табиат боғи учун Самарқанд вилояти ҳокимликлиги қарори асосида ажратилган ер майдонларининг контурларига (периметри) тегишли географик координаталарини аниқлаш ҳамда уларнинг чегараларини электрон тавсифлаш;

2. Тўпланган маълумотлар асосида Давлат кадастрлари ягона тизимининг Географик ахборот тизимида (ДҚЯТ ГАТ) Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд тематик қатламини базавий картографик асосдан фойдаланиб ArcGIS дастурий таъминотида (\*.shp, \*.gdb, \*.mdb форматларда) маълумот базасини яратиш;

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг ер тоифалари ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар рўйхатини ва бошқа маълумотларни шакллантириш;

4. “Зарафшон” миллий табиат боғининг кўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналари учун ажратиладиган ер майдонлари зонасини белгилаш ҳамда ҳудудни кенгайтириш бўйича таклиф тайёрлаш;

5. “Зарафшон” миллий табиат боғининг 1:10 000 масштабдаги электрон харитасини яратиш ва тасдиқдан ўтказиш;

6. “Зарафшон” миллий табиат боғи ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарори билан тасдиқланган регламент ҳамда 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ шакллантириш.

**Режалаштирилган чора-тадбирлар:**

1. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг чегараларини, шу жумладан майдонларини, географик координаталарини аниқлаш ва электрон тавсифлаш.

2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг географик координаталарини аниқлаш, уларнинг чегараларини тавсифлаш, эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар рўйхатини ва бошқа маълумотларни шакллантириш.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг давлат кадастри ГАТ маълумотлар базасини яратиш.

**Кутилаётган натижалар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 104-сон қарори ижроси таъминланади.

2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд чегараларининг тавсифлари янгиланади ва Миллий геоахборот базаси талаблари асосида кадастр маълумотлари рақамлаштирилади.

3. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги” қонунга мувофиқ Табиат боғининг зоналари белгиланади.

4. Биологик хилма-хилликнинг энг муҳим объектлари (ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турлари, тарқалиш ареаллари) ва ноёб табиий мажмуаларнинг ҳудудий муҳофазаси кучайтирилади.

**Бажариш сўммаси: 88 млн. сўм.**

**Бажариш муддати: 2022 йил 31 декабрь.**

Келишилди:

Ишлар бошқармаси бошлиғи, Харид комиссияси раиси ўринбосари



А. Ибрагимов

Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси



В. Хайтбоев

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси



У. Абдуллаев

Атроф-муҳит ифлосланишини  
мувофиқлаштириш ва мониторинги  
бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси



У. Собиров

Молия бошқармаси бошлиғи в.б.,  
комиссия аъзоси



А. Муродов

Юридик бўлим бошлиғи в.в.б., комиссия  
аъзоси



Д. Абдурахманова

Рақамлаштириш ва кадастрни юритиш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Харид  
комиссияси котиби



Ф. Хуррамов